

Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер!



14:00 / 15.08.2019 1853

Абу Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамлар нубувватнинг биринчи каломидан идрок қилган нарсалардан бири: «Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер»дир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

ҲАДИСНИНГ ШАРҲИ

Уламоларимиз Исломининг мадори деб атаган ҳадиси шарифлардан бири бўлган ушбу ҳадисда инсониятнинг узоқ тарихи давомида Аллоҳ таолонинг барча анбиёлари томонидан ўз умматларига тақдим қилинган энг яхши сифатлардан бири – ҳаё сифати ҳақида сўз кетмоқда.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Одамлар нубувватнинг биринчи каломидан идрок қилган нарсалардан бири», деганларидан бу нарса аввал ўтган барча анбиёлардан қолган мерос экани анланади. Барча умматлар ушбу ҳадисда келган сўзларни асрлар оша бирин-кетин бир-бирларига мерос қолдирганлар ва мерос ўлароқ қабул қилиб олганлар.

Бу эса ўз навбатида аввалги пайғабарликлар ушбу каломни келтирганига, у одамлар орасида машхур бўлганига ва энг сўнгги уммат бўлмиш Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматларига ҳам етиб келганига далолатдир.

Убайд ибн Занжавайҳининг ривоятида: «Одамлар нубувватнинг биринчи каломидан шундан бошқани идрок қилмаганлар», дейилган.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар ҳаё қилмасанг, истаганингни қилавер», деганларини уламолар икки хил шарҳ қилганлар.

Биринчиси – бу жумла нимани истаса, шуни қилаверишга буюриш эмас, аксинча, бу иши ёмонлаш ва ундан қайтариш маъносидадир.

Иккинчиси – бу жумла буйруқ майлида келган бўлса ҳам, хабар маъносини англатади. Яъни ким ҳаё қилмаса, хоҳлаганини қилаверади. Чунки қабоҳатларни қилишдан ман қилувчи омил ҳаёдир. Кимнинг ҳаёси бўлмаса, турли фаҳш ва мункар ишларга шўнғиб кетади.

ҲАЁНИНГ МАЪНОСИ ВА ТАЪРИФИ

«Ҳаё» сўзи луғатда уятсизликнинг тескарисини англатади. Бошқача қилиб айтганда, «Ҳаё айбдан ва ёмонланишдан қўрқиб, ўзини паст олиш ва ўзгаришдир».

Уламолар ҳаёни турлича таърифлаганлар:

Журжоний: «Ҳаё нафснинг бир нарсадан тортиниши ва маломатдан ҳазир бўлиб, уни тарк қилишидир», деган.

Яна: «Ҳаё қабиҳ кимсанинг қабоҳатни тарк қилишига сабаб бўладиган ва ҳақ эгасининг ҳаққида нуқсонга йўл қўйишни ман қиладиган хулқдир», деган.

Ибн Муфлиҳ Ҳанбалий: «Ҳаёнинг ҳақиқати шуки, у бир хулқ бўлиб, гўзал нарсани қилишга, ёмон нарсани тарк этишга боисдир», деган.

Уламоларимиз ҳаёни шундай таърифлайдилар:

«Ҳаё хулқи қалбнинг тириклигига қараб бўлади. Қалбнинг ҳаёти даражасига мувофиқ ҳаё ҳам бўлади. Ҳаё барча малоҳатли нарсаларни қилишга ва барча кароҳатли нарсалардан четланишга боисдир. Ҳаё нафснинг мақталган сифатларидандир. Ҳаё карамли ахлоқларнинг

бошидир, иймоннинг зийнатидир, Исломнинг шиоридир. Ҳаё яхшиликнинг далилидир. Ҳаё ёмонликнинг душманидир.

Ҳаё иймондандир, чунки иймон ва ҳаё одамни яхшиликка чақиради ва ёмонликдан қайтаради».

Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ушбу ўрганаётган ҳадисимизнинг бош мавзуси – ҳаёга кенг ўрин берилган. Улардан баъзилари билан танишиб олсак, мавзуни етарлича англаб етишимизга ёрдам бўлади.

Қуръони Каримда ҳаё иккита оятда зикр қилинган.

Аллоҳ таоло Қосос сурасида шундай марҳамат қилади:

«Бас, икковларидан бири ҳаё билан юриб келиб: «Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда», деди. Унга келганида ва қиссани айтиб берганида, у: «Қўрқма, золим қавмлардан нажот топдинг», деди» (25-оят).

Мусо алайҳиссаломнинг олдиларига у киши қўйларини суғориб берган икки қизнинг бири ҳаё билан, уялибгина келиб:

«Отам сенга бизларга суғориб берганинг ҳақини бериш учун чақирмоқда», деди».

Бу оятда Шуъайб алайҳиссаломнинг қизлари ҳаё асосида тарбия топганлари алоҳида таъкидланмоқда.

Ва яна Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

«Эй, иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Магар таомга изн берилганида унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг). Лекин чақирилсангиз, киринг-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб (қолиб) кетманг. Албатта, бундай қилишингиз Набийга озор берур. У эса сизлардан ҳаё қиларди. Аллоҳ ҳақ(ни айтиш)дан ҳаё қилмайдир. Қачонки улардан бирор нарса сўрасангиз, парда ортидан сўранг. Шундай қилмоғингиз ўз қалбларингиз учун ҳам, уларнинг қалblлари учун ҳам покроқдир. Сиз учун Расулуллоҳга озор бериш ва ундан кейин унинг жуфтларини никоҳингизга олишингиз ҳеч қачон мумкин эмас. Албатта, бундай қилмоғингиз Аллоҳнинг наздида катта(гуноҳ)дир» (Аҳзоб сураси, 53-оят).

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланиб, ўз аҳллари ҳузурига кирганларида, онам ҳийс (таомнинг тури) қилиб, тавр(идиш)га солиб:

«Эй Анас, мана буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб боргин-да, «Буни сизга онам бериб юборди, у киши сизга салом айтдилар ва мана шу озгина нарса биздан сизга, деб айтдилар», дегин», дедилар. Мен уни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга олиб бориб:

«Онам сизга салом айтдилар ва мана шу озгина нарса биздан сизга, деб айтдилар», дедим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уни қўй», дедилар. Сўнгра:

«Энди бориб, фалончи, фалончиларни ва йўлда учратган одамларингни ҳам айтиб кел», деб бир қанча одамларнинг исмларини айтдилар. Мен у зот айтган одамларни ва йўлда учратганларимни чақириб келдим. – Анасга: «Неча киши эдилар?» дедим. «Уч юз кишича», деди. – Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Эй Анас, таврни олиб кел», дедилар».

Суффа ва ҳужра одамларга тўлиб кетган эди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўнта-ўнтадан халқа бўлиб ўтиринглар, ҳар ким ўз олдидан есин», дедилар.

Ҳаммалари еб, тўйдилар. Бир гуруҳи чиқиб, бир гуруҳи кириб, ҳаммалари ейишди. Сўнг менга:

«Эй Анас, кўтар», дедилар.

Билмайман, олиб келиб қўйганимда кўпмиди ёки қайтариб олганимдами. Ўшалардан баъзи гуруҳлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида ўтириб, гаплашиб қолишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ўтирдилар. Аёллари эса юзини деворга ўгириб ўтирарди. Бу ҳолат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга оғир келганидан ташқарига чиқиб, аёлларига салом бериб

кирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайтиб келганларини кўрган чоғларида ўтирганлар у зотнинг оғир олганларини билишди ва ҳаммалари эшик томон юриб, чиқиб кетишди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пардани тушириб, ичкарига кирдилар, мен ҳужрада ўтирар эдим. Сал ўтмай, олдимга чиқдилар. Аллоҳ у кишига: «Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг», оятини нозил қилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ташқарига чиқиб, одамларга ўқиб бердилар».

«Эй иймон келтирганлар! Набийнинг уйларига кирманг. Магар таомга изн берилганида унинг пишишига мунтазир бўлмайдиган бўлиб (киринг)».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларига сиз учун таомга изн берилганида таом пишини кутиб ўтирмайдиган бўлиб киришгилар. Бошқача қилиб айтганда, тайёр бўлиб турган таомни тановул қилиш учун изн берилганида киришгилар.

«Лекин чақирилсангиз, киришгилар-да, таомни еб бўлишингиз билан тарқалиб кетинг, гапга берилиб (қолиб) кетманг».

Ўша таом учун сизга изн берилганида, киришингиз билан таомни еб, қайтиб чиқиб кетинг. Овқатни еб бўлиб ҳам улфатчилик учун гапни чўзиб ўтирманг.

«Албатта, бундай қилишингиз Набийга озор берур».

Ул зот ўз аҳли билан қолишлари, зиммаларидаги вазифаларни адо этишлари лозим эди. Сиз буни эътиборга олмай, гаплашиб ўтирибсиз. Бу ҳол Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни безовта қилар эди.

«У эса сизлардан ҳаё қиларди».

Меҳмонларга «Уйдан чиқиб кетинглар», деб айта олмас эди.

«Аллоҳ ҳақ(ни айтиш)дан ҳаё қилмайди».

Шунинг учун сизга «Таомни еб бўлганингиздан сўнг гапга берилиб ўтирмай, тезда чиқиб кетинг», демоқда.

“Зухд ва ҳаё” китобидан